

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АРТИҚОВ ЗОХИДЖОН СОБИРОВИЧ

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШДА СТАТИК ВА ДИНАМИК КУЧЛАНИШ
ДАВОМИДА МУВОЗАНАТ САҚЛАШ ФУНКЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Артиков Зоҳиджон Собирович

Белбоғли курашда статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат сақлаш
функциясини шакллантириш методикаси3

Артиков Зоҳиджон Собирович

Методика совершенствования функции равновесия тела при статических и
динамических усилиях в белбоғли кураш.....27

Artiqov Zokhidjon Sobirovich

Forming methods of balancing functions during static and dynamic strength in
belbog'li kurash.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АРТИҚОВ ЗОХИДЖОН СОБИРОВИЧ

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШДА СТАТИК ВА ДИНАМИК КУЧЛАНИШ
ДАВОМИДА МУВОЗАНАТ САҚЛАШ ФУНКЦИЯСИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Ped673 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ярашев Комилжон Дехқонович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Хайдаров Бахтиёр Тожиевич
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “16” феврал соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (210220 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2019 йил “30” январ куни тарқатилди.
(2019 йил “30” январдаги 14- рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.С.Тажобаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори, доцент

Т.С.Усмонходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида ҳар бир халқ ва элатнинг асрлар давомида вужудга келган ҳамда шаклланган ўзига хос миллий кураш турлари бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам “Бухороча” ва “Фарғонача” усулда ўтказилиб келинган миллий кураш турлари кенг оммалашган. Жумладан, белбоғли кураш жаҳоннинг барча қитъаларда ривожланиб оммавийлашаётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Кўплаб мамлакатларда белбоғли кураш билан шуғулланувчи спортчиларни тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида белбоғли курашга яқин ёки ўхшаш спорт турлари мавжуд, ана шунинг учун ҳам ушбу спорт турини жаҳон миқёсида янада ривожлантириш, курашчиларни тайёрлаш тизимини илмий асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё бўйлаб кураш турлари бўйича мусобақаларни кузатиш натижасида шунга амин бўлиш мумкинки, дзюдо, эркин кураш, юнон-рум ҳамда самбо кураш турларига хос техник-тактик ҳаракатлар ва жисмоний сифатлар юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Миллий спорт туримиз бўлган белбоғли курашчиларни тайёрлаш тизимини ташкил қилиш ёки бошқа масалалар юзасидан кенг кўламли илмий ишлар долзарблик касб этмоқда. Кенг қамровли илмий-услубий ишлар ўрганилмагани сабабли курашчилар аксарият ҳолатларда ўз рақибининг белбоғидан ушлаган ҳолда уни кўтариб, у ёки бу томонга бурилиб (ёки айланиб) ташлаш вақтида мувозанатини йўқотади ва пировардида рақибнинг қарши ҳужумига имкониятни бой беради. Таъкидлаш жоизки, бундай курашчида статик ва динамик кучланиш ҳаракатларини бошқарувчи марказий вестибуляр анализатор функционал жиҳатдан етарли шаклланмаганлиги сабабли тана мувозанатини сақлаш имконияти чегараланиб қолади ва вазиятни бой беради. Бундай ҳолат жисмоний имкониятни, айниқса, техник-тактик имконият доирасини торайтиради.

Бугунги кунда Республикамизда оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида ёпиқ иншоотларда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида белбоғли кураш спорт тури бўйича эллик еттита медалнинг қўлга киритилиши ушбу спорт турининг ривожланаётганидан далолат беради. “Иқтидорли спортчиларни танлаб олиш-селекция ишларини такомиллаштириш бўйича янги тизим жорий этилиб, бу ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади”¹. Айниқса, миллий курашларимиз бўйича юртимизнинг барча ҳудудларида ҳар хил миллий байрам ва тўй маросимларида кураш беллашувлари ташкил этилиб унда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган халқимиз полвонлари ор-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган” йиғилишдаги нутқи; 2018 йил 21 сентябр Халқ сўзи газетаси 1-2 бет.

номус учун курашадилар. Шу билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Осиё ва жаҳон мусобақаларида юксак натижаларга эришиб келаётган етакчи курашчиларимизнинг “спорт умри” узоқ муддатларга бардош бера олмаяпти. Уларнинг баъзилари муддатидан аввал спорт билан хайрлашмоқда. Тахмин қилиш мумкинки, бундай ҳолатнинг устувор сабаблари уларнинг бир томонлама тайёргарлиги, жисмоний, техник-тактик имкониятлари ва усулларининг бир ёқлама (ўнг ёки чап томонлама) шаклланганлигидадир. Бундай ҳолат статик ва динамик кучланиш, айниқса, ўнг ҳамда чап томонларга бурилиш ёки айланиш ҳаракатлари билан боғлиқ вестибулосоматик юкламалар таъсирида мувозанатни сақлаб қолиш имкониятига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3306-сонли қарори, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳосида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони ҳамда бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Барча спорт турларида, шу жумладан, кураш турларида ҳам умумий ва махсус жисмоний сифатларнинг ўзига хос равишда фарқланувчи хусусиятлари, уларни техник-тактик тайёргарлик компонентларига боғлиқ ҳолда ривожлантиришнинг илмий, назарий ва услубий асослари В.П.Филин, Л.П.Матвеев, Л.П.Волков, Ю.В.Верхошанский, Г.С.Туманян, Ю.Ф.Курамшин, В.Н.Платонов, М.А.Годик, Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов, В.Ф.Бойко, Г.В.Данько каби етакчи мутахассис-олимларнинг фундаментал тадқиқотларига мувофиқ очиб берилган². Бундан ташқари, ҳар бир кураш тури бўйича юқори малакали

²Филин В.П. Спортивная подготовка как многолетний процесс. // Современная система спортивной подготовки. М.: САМ, 1995, с.351-389; Матвеев Л.П. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсменов. Киев, 1999. – 316с.; Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. Киев, Олимпийская литература, 2002. – 294с.; Верхошанский Ю.В. Основы специальной физической подготовки спортсменов. М.: Физкультура и спорт, 2007. – 331с.; Туманян Г.С. Школа мастерства борцов, дзюдоистов и самбистов: учеб.пособие для студ. высш. учеб. заведений. М.: Издательский центр “Академия”, 2006. – 592с.; Курамшин Ю.Ф. Теория и методика физической культуры: Учебник / Под ред.проф.Ю.Ф.Курамшина. 3-е изд., стереотип. М.: Советский спорт, 2007. – 464с.; Платонов В.Н. Система подготовки спортсменов в Олимпийском спорте. Общая теория и ее практические приложения. Киев, Олимпийская литература, 2004. – 808с.; Годик М.А. Физическая подготовка футболистов. М.: Терра-Спорт, 2006. – 272с.; Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учеб.пособие. – М.: Академия, 2008. – 478с.

спортчиларни тайёрлашда жисмоний сифатларнинг устуворлиги, уларни ўзига хос техник-тактик усуллар хусусиятларига мос тартибда ривожлантиришга доир локал ва глобал масалалар В.Ф.Бойко, Г.Ф.Данько, Б.А.Подливаев, В.М.Игуменов, А.А.Карелин, Д.Г.Миндиашвили, В.В.Нелюбин, Ф.А.Керимов, Н.А.Тастанов томонидан батафсил ўрганилган. Шу билан бир қаторда нафақат юртимизда, балки жаҳон бўйлаб кенг оммалашиб бораётган белбоғли кураш спорт тури бўйича юқори малакали спортчилар тайёрлаш назарияси ва услубияти, белбоғли курашда қўлланиладиган олишув усулларининг белбоғни ушлаган ҳолда ижро этилиши, шу жараёнда статик ва динамик кучланишлар, айланма ҳаракатлар таъсирида мувозанат сақлаш ёки рақиб мувозанатини издан чиқариш асосида уни йикитиш усуллари ва уларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси билан боғлиқлиги каби масалаларнинг илмий-назарий ва услубий-технологик асослари тизимли тартибда яратилмаган³. Бу борада кенг қамровли, илмий асосланган ўқув ва илмий-услубий қўлланмалар, моно-графиялар мавжуд эмас. Сўнгги йилларда чоп этилаётган айрим мақолалар, кам сонли баъзи қўлланмалар белбоғли курашнинг тор ва локал масалаларига қаратилган [Ф.А.Керимов, Н.М.Юсупов, Ж.М.Нуршин ва б., Ш.А.Мирзакулов, Ш.А.Абдуллаев, N.A.Tastanov, A.P.Таймуратов,]⁴. Аммо ушбу илмий, ўқув ва услубий манбаларда мазкур диссертация мавзуси сифатида танланган, белбоғли курашда устувор аҳамият касб этувчи статик ва динамик кучланишлар вақтида бажариладиган айланма (ёки бурилма) ҳаракатлар таъсирида мувозанат сақлаш қобилияти, уни жадал шакллантиришнинг услуб ва воситалари умуман тадқиқот остига олинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасидаги “Юқори малакали белбоғли курашчиларнинг тезкор-куч сифатларини ривожлантириш услубияти” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

³ Бойко В.Ф., Данько Г.В. Физическая подготовка борцов. Киев, Олимпийская литература, 2004. – 223с.; Игуменов В.М., Подливаев Б.А. Спортивная борьба: Учебник для студентов и учащихся факультетов (отделений) физ.воспитания пед.учебных заведений. М.: Просвещение, 1993. – 240с.; Карелин А.А. Спортивная подготовка борцов высокой квалификации. Монография. //Новосибирск, 2002. – 480с.; Миндиашвили Д.Г., Завьялов А.А. Учебник тренера по борьбе. Красноярск: Изд-во КПКУ, 1995. – 213с.; Нелюбин В.В. Развитие теории и практики классификацией тактико-технических действий в спортивной борьбе: Дисс. ... док.пед.наук. – СПб, 1999. – 457с.; Керимов Ф.А., Юсупов Н.М. Подвижные игры для кураша. Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 72с.; Tastanov N.A. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. / Darslik. N.A.Tastanov. – Т., “Sano-Standart”, 2017. – 480 b.

⁴ Керимов Ф.А., Юсупов Н.М. Подвижные игры для кураша. Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – 72с.; Нуршин Ж.М., Саламов Р.С., Керимов Ф.А. Ўзбекча миллий спорт кураши./Дарслик, Т., 1993. – Б. 14-17; Мирзакулов Ш.А. Ёш белбоғли курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги. / Халқаро илмий-амалий анжуман “Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва услубиятининг замонавий муаммолари”, II қисм. Тошкент, 2015, - Б. 83-84. Абдуллаев Ш.А. Ёш курашчиларни тайёрлашнинг илмий-услубий асослари. / Ўқув-услубий қўлланма. Т., 2012, б. 32-35. Tastanov N.A. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. / Darslik. N.A.Tastanov. – Т., “Sano-Standart”, 2017. – 480 b.; Таймуратов А.Р. Курашчиларга хос куч турлари ва уларни ривожлантирувчи машқлар таснифи. Ж.: “Фан-спортга”, Т., 2016, № 2, б. 29-32.

Тадқиқотнинг мақсади белбоғли курашда статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш методикасини яратиш ва уни амалга жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

белбоғли курашга хос техник усуллар ва жисмоний сифатлар рейтинги, усулларни икки ёқлама қўллаш ва айланма ҳаракатлар таъсирида мувозанат сақлаш афзаллигини аниқлаш;

белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатлари ва статик-динамик мувозанатни сақлаш функциясини мувофиқ тестлар асосида баҳолаш ҳамда шу тестларнинг пульсометрик қийматини аниқлаш;

белбоғли курашчиларда статик ва айланма динамик кучланиш ҳаракатлари таъсирида мувозанат сақлаш имкониятини шакллантирувчи машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини тажриба асосида ўрганиш;

ишлаб чиқилган машқлар мажмуасини қўллаш методикасини яратиш ва уни амалиётга татбиқ этиш бўйича услубий тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти юқори малакали белбоғли курашчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёни.

Тадқиқотнинг предмети белбоғли курашчиларда статик-динамик кучланишлар билан боғлиқ айланиш ҳаракатлари таъсирида мувозанат сақлаш имкониятини ўргатиш.

Тадқиқотнинг усуллари: адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, сўровнома, статохронометрия, вестибулохронометрия, пульсометрия, жисмоний тайёргарликни тестлаш услублари, педагогик тажриба, математик-статистик методлар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

юқори малакали белбоғли курашчиларнинг мусобақа фаолиятида қўлланиладиган мураккаб координацион техник усуллар ижросини таъминловчи жисмоний сифатларнинг рейтинг ўрни аниқланган;

мусобақа олди тайёргарлик даврида юқори малакали белбоғли курашчиларга хос статик ва динамик кучланиш ҳаракатлари давомида мувозанат сақлаш турғунлигини оширишга мўлжалланган инновацион машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

белбоғли курашчиларнинг мусобақа фаолиятида статик-динамик кучланиш ҳолатларида бош ҳамда танани ўнг ва чап томонларга айлантириш ўртасидаги асимметрик фарқларнинг устунлиги аниқланган;

ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини (усулларини) симметриялашга ихтисослаштирилган машқлар мажмуасини юқори малакали белбоғли курашчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнида қўллаш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур диссертация юзасидан ўтказилган тадқиқотларда қўлланилган анъанавий ҳамда моделлаштирилган услуб ва тестлар стандарт шарт-шароит, дидактик тартиб ҳамда услубий қоидалар асосида “тест-ретест” синовларидан ўтказилганлиги,

уларнинг мантикий ва координацион, модификациялаштирилган вариантлари ўрнатилган ҳаракат (жисмоний) компонентларига мос бўлганлиги ва натижалар статистик усуллар (n, \bar{x}, δ, t, p) ёрдамида тақдим қилинганлиги туфайли уларнинг ишончлилиқ, объективлиқ ва информативлиқ қиймати юксак даража доирасида деб эътироф этилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Педагогик кузатув, сўровнома, жорий тадқиқотлар ва педагогик тажриба асосида олинган натижалар белбоғли курашда қўлланиладиган техник-тактик усуллар, уларни ижро этиш самарадорлигини таъминловчи бир қатор жисмоний компонентлар (статик ва динамик кучланиш ҳаракатлари, айланма ҳаракатлар таъсирида мувозанат сақлаш ва ҳ.к.)нинг янги илмий қирралари – функционал рейтинги, усулларни ўнг ва чап томонларга қўллаш, рақибни кўтарган ҳолатда ўнг ва чап томонларга айланиш ўртасида юз берувчи ҳаракат асимметриясининг илмий моҳияти очиб берилган.

Техник-тактик ҳаракатлар (усуллар) асимметриясини моделлаштирилган асосда ишлаб чиқилган инновацион машқлар ёрдамида симметриялаш методикаси яратилди. Белбоғли курашда устувор амалий аҳамиятга эга жисмоний сифатлар ва уларнинг таркибий компонентларининг функционал қийматини моделлаштирилган тестлар асосида аниқлаш тартиби белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Белбоғли курашда статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш методикаси юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Мураккаб координацион техник усуллар ижросини таъминловчи жисмоний сифатларни ривожлантириш методикаси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Миллий спорт турлари, ўйинлари назарияси ва услубияти” кафедрасининг белбоғли кураш ихтисослигида таҳсил олувчи талабаларнинг ўқув-машғулотида рақибни кўтариб ўнг ва чап томонларга бурилган ёки айланган ҳолда статик ва динамик мувозанатни сақлаш имкониятларини ривожлантиришда махсус инновацион машқлар қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01-07-10-2762-сон маълумотномаси). Натижада юқори малакали белбоғли курашчиларнинг мураккаб координацион техник усуллар ижросини таъминловчи жисмоний сифатлари 17,4-21,5% га ривожланган;

Мусобақа олди тайёргарлик даврида юқори малакали белбоғли курашчиларга хос статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат сақлаш турғунлигини оширишга мўлжалланган инновацион машқлар мажмуаси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Миллий спорт турлари, ўйинлари назарияси ва услубияти” кафедрасининг белбоғли кураш ихтисослигида таҳсил олувчи талабаларнинг ўқув-машғулотида жараёнида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01-07-10-2762-сон маълумотномаси). Натижада

белбоғли курашда рақибни кўтариб ўнг ва чап томонларга бурилиб ёки айланиб ташлаш усулларидаги асимметрик ҳаракатларни айланма вестибулосоматик машқлар ёрдамида 85–89% гача симметриялаштиришга эришилган;

статик кучланиш ҳолатларида (бир оёқда тик туриб, “қалдирғоч” ҳолати) мувозанат сақлаш функцияси вестибулосоматик йўналишдаги машқлар Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси миллий терма жамоасида шуғулланувчи юқори малакали белболғи курашчилар ўқув-машғулотларига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01-07-10-2762-сон маълумотномаси). Натижада белбоғли курашчиларнинг статик кучланиш ҳолатларида мувозанат сақлаш функцияси вестибулосоматик тайёргарлик 70-75%га такомиллаштиришга хизмат қилади;

ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини (усулларини) симметриялашга ихтисослаштирилган машқлар мажмуасини юқори малакали белбоғли курашчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 12 ноябрдаги 01-07-10-2762-сон маълумотномаси). Натижада статик ва айланма-динамик кучланиш ҳаракатлари таъсирида мувозанат сақлаш функцияси 15-17%га такомиллашган, рақибни кўтариб ўнг ва чап томонларга айланиб ташлаш усуллари бажариш техникаси 27-29%га такомиллаштирилган, мусобақа фаолиятида техник-тактик усулларни қўллаш кўлами 25-30% га кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий ҳолатлари ва натижалари 2 та халқаро, 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 134 саҳифали матн, 8 та расм, 22 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурияти, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, диссертацияда кўтарилган муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, мавзунинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишонч-

лилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий этилиши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Спорт кураши турларида жисмоний тайёргарликнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўрни”** деб номланган биринчи бобида умумий ва махсус жисмоний тайёргарликнинг ўзаро боғлиқлиги, бир сифатдаги ривожланишнинг бошқа сифатларга ҳам кўчиши, кураш турларининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ устувор жисмоний сифатларнинг аҳамияти, жисмоний сифатларни пропорционал тарзда ривожлантиришнинг фундаментал ўрни, техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминловчи жисмоний сифатлар, уларнинг таркибий компонентларининг (статик ва динамик кучланиш ҳаракатлари, айланма ҳаракатлар таъсирида статик ва динамик мувозанатни сақлаш) илмий-услубий ва физиологик моҳияти мутахассис-олимлар фикр-мулоҳазалари ва хулосалари асосида очиб берилган. Спорт кураши турларида жисмоний сифатларнинг ўрни ва уларнинг функционал аҳамияти, ҳар бир кураш турида қўлланиладиган техник-тактик усулларни ижро этишда қайси жисмоний сифатлар ёки уларнинг қайси бир компонентлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги қиёсий таҳлил қилинган [А.А.Карелин, 2002; Ф.А.Керимов, 2001; В.Ф.Бойко, Г.В.Данько, 2004; Ю.В.Верхошанский, 2007; А.Е.Фетисов, 2015; Веслов Блах, 2007; М.Н.Шепетюк, 2012; И.Ф.Андрюшин ва б., 2015]. Белбоғли курашда қўлланиладиган техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминловчи жисмоний сифатлар ва уларнинг таркибий компонентларининг бошқа кураш турларидан тубдан фарқ қилиши, бунинг ушбу кураш турида усулларни белбоғни ушлаб қўллаш билан боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган. Белбоғли кураш амалиётида, шу жумладан, юқори малакали белбоғли курашчилар мисолида статик ва динамик кучланиш ҳаракатлари, айланма ҳаракатлар таъсирида “юк билан” ва “юксиз” мувозанат сақлаш имкониятлари ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги, лекин бундай жисмоний компонентлар тадқиқот предмети сифатида ўрганилмагани очиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва уни ташкил қилиш”** деб номланган иккинчи бобида белбоғли кураш ўзининг миллийлик хусусиятлари, техник-тактик усулларини фақат белбоғни икки қўл билан ушлаган ҳолда қўллаш шартлари билан бошқа кураш турларидан тубдан фарқ қилиши, танланган мавзунинг ушбу спорт тури нуктаи назардан ўта долзарб аҳамиятга эга эканлиги ва илмий-амалий муаммо сифатида ўрганилиши зарурлиги таъкидланган. Мазкур бобда тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, услублари, фойдаланилган модификациялаштирилган тестларнинг моҳияти ва мазмуни, уларни қўллаш методикаси ва шартлари батафсил ёритилган.

Педагогик кузатув, сўровнома дастурларига киритилган саволлар, респондент-тренерларнинг рейтингли ва фоизли субъектив жавоблари, тадқиқотларда иштирок этган юқори малакали белбоғли курашчилар тавсифи келтирилган.

Педагогик тажрибани ташкил қилиш ва ўтказиш муддатлари, шартлари, тартиби, тажрибада иштирок этган назорат (НГ) ва тажриба гуруҳлари (ТГ), тадқиқотлар ва тестларни ўтказиш методикаси изоҳланган. жорий ҳамда тажриба давомида қўлланилган статокинетик ва вестибуло-соматик тестлар (синовлар)нинг диссертант томонидан модификациялаштирилган вариантлари ишлаб чиқилган моделлаштирилган тестлар номлари, моҳияти, мазмуни, қўллаш методикаси ёритилган:

Ушбу бобда тажриба давомида ТГда диссертант томонидан ишлаб чиқилган статик ва айланма динамик кучланиш ҳаракатлари давомида мувозанат сақлаш функциясини жадал шакллантиришга мўлжалланган инновацион мазмунли ва физиологик функциялар фаолиятини тикловчи релаксацион машқлар мажмуалари, уларнинг номи, такрорланиш меъёри ва шартлари изоҳлаб берилган.

Статистик методлар, олинган натижаларнинг ишончилиги, информативлиги ва объективлиги бир хил методик стандарт принципига риоя қилиш асосида ўтказилган “тест-ретест” синовлари ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг **“Юқори малакали белбоғли курашчиларда олишув усуллари, мувофиқ жисмоний компонентлар рейтинги ва уларнинг функционал қиймати”** деб номланган учинчи бобида педагогик кузатув, сўровнома ва жорий тадқиқотлар натижалари рейтингли, фоизли ва статистик кўрсаткичлар асосида қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, белбоғли кураш амалиётига хос техник-тактик усуллар, улар ижросини таъминловчи жисмоний компонентларнинг (устувор жисмоний сифатлар, статик ва динамик кучланиш, айланма ҳаракатлар давомида мувозанат сақлаш) рейтинг даражаси ва функционал қиймати эътиборга олинмаслиги, усулларнинг фақат қулай томон бўйлаб қўлланилиши маълум бўлди.

Мусобақаларни кузатиш натижалари шуни кўрсатдики, кичик ва ўрта вазнли аксарият курашчилар (68,9%) асосан “Ўнг тизза ёрдамида”, “Ўнг томонга қайтарма”, “Чап ёнбошдан ошириб” ва “Чапга тўсиб ташлаш” усулларида фойдаланишар экан. Қолган курашчиларда (31,1%) у ёки бу усулларга устунлик бериш ҳолатлари қайд этилмади. Лекин оғир вазнли курашчиларда асосан “Чап ёнбошдан ошириб”, “Кўкракдан ошириб” ва “Тўсиб ташлаш” усуллари кўпроқ қўлланилиши аниқланди. Таъкидлаш жоизки, кузатув остида бўлган аксарият курашчиларда (87,5%) рақибни кўтариб статик ҳолатда бурилиш ёки айланиш давомида мувозанатни йўқотиш ҳолатлари қайд этилди.

Маълумки, спортчиларда пропорционал равишда мукамал ривожлантирилган жисмоний сифатлар, уларнинг таркибий компонентлари бўлмиш статик ва динамик кучланиш, статик ва динамик мувозанат сақлаш функцияларини ҳам “кўчиш” қонуниятига мувофиқ жадал шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади [Л.П.Матвеев, 2005; В.Н.Платонов, 2013, 2015; Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов, 2014]. Ўтказилган жорий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, юқори малакали белбоғли курашчиларда қайд этилган устувор жисмоний сифатлар нисбатан етарли ривожланган бўлса-да, уларни

ифодаловчи тестларнинг пульсометрик қиймати юракнинг ритмик реакцияси кескин ортиб кетишига олиб келди (1-жадвал).

Чунончи, тезкорликни ифодаловчи 30 м югуриш натижаси $4,6 \pm 0,5$ сек ни ташкил этган бўлса, юрак қисқариш сони (ЮҚС) тестдан олдин $70,5 \pm 3,2$ зарба/дақ га тенг миқдорда қайд этилди. Тест юкламасидан кейин эса ЮҚС $109,9 \pm 4,8$ зарба/дақ гача ортди. Юкламадан 3 дақ ўтгандан сўнг ЮҚС дастлабки даражагача тикланмади ва $79,7 \pm 3,5$ зарба/дақ ни ташкил этди.

1-жадвал

Юқори малакали белбоғли курашчиларнинг устувор жисмоний сифатлари даражасини ифодаловчи тест кўрсаткичлари ва уларнинг пульсометрик қиймати


Жисмоний сифатлар ва мувофиқ тестлар	n	Натижа	ЮҚС (зарба/дақ)		
			тестдан олдин	тестдан кейин	3 миндан сўнг
Тезкорлик: 30м юқори стартдан югуриш (сек)	67	$4,6 \pm 0,5$	$70,5 \pm 3,2$	$109,9 \pm 4,8$	$79,7 \pm 3,5$
Чаққонлик: 3x10 м моксимон югуриш (сек)	67	$6,9 \pm 0,8$	$69,2 \pm 2,4$	$116,5 \pm 5,3$	$72,5 \pm 2,6$
Портловчи динамик куч: Жойида туриб 10 сек давомида вертикал сакраш (марта)	67	$12,7 \pm 0,8$	$71,3 \pm 1,9$	$108,7 \pm 3,4$	$86,3 \pm 2,1$
Турникда максимал марта тортилиш (марта)	67	$18,2 \pm 2,7$	$75,3 \pm 3,06$	$111,9 \pm 5,2$	$88,9 \pm 3,14$
Махсус тезкорлик-куч: Ўз вазн тоифасидаги рақибни кўтариб 10м масофага олдинга югуриш (сек)	53	$4,7 \pm 0,3$	$71,2 \pm 2,03$	$145,4 \pm 6,3$	$86,9 \pm 2,2$
Ўз вазн тоифасидаги рақибни кўтариб 10м масофага орқага югуриш (сек)	53	$4,2 \pm 0,2$	$72,5 \pm 2,02$	$146,7 \pm 6,6$	$88,3 \pm 2,04$
Ўз вазн тоифасидаги рақибни ўнг томонга тизза ёрдамида 5 марта кўтариб ташлаш (сек)	53	$14,9 \pm 1,2$	$72,3 \pm 3,04$	$143,4 \pm 6,3$	$88,2 \pm 3,1$

Чаққонликни ифодаловчи тест (3x10 м моксимон югуриш) кўрсаткичлари ҳам ўхшаш динамик ўзгариш билан қайд этилди.

Портловчи кучни ифодаловчи тест кўрсаткичлари (жойида туриб 10 сек давомида вертикал сакраш ва максимал марта турникда тортилиш) ҳам аналогик динамикага эга эканлиги намойиш этилди.


Курашчиларга хос бўлган махсус тезкорлик-куч сифатларини ифодаловчи тест кўрсаткичлари нисбатан етарли даражада қайд этилган бўлса-да, лекин уларнинг пульсометрик қиймати юрак ритмикасининг янада кескинроқ реакция билан жавоб қайтарганлигини кўрсатди. Жумладан, “Ўз вазни тоифасидаги рақибни кўтариб 10 м масофага олдинга югуриш” тести бўйича кузатилган натижа $4,7 \pm 0,3$ сек ни ташкил этган бўлса, ЮҚС $71,2 \pm 2,03$ зарба/дақ дан $145,4 \pm 6,3$ зарба/дақ гача кўтарилди. Тест юкламасидан 3 дақ ўтгандан сўнг ЮҚС дастлабки даражадан анча зиёд бўлди ва $86,9 \pm 2,2$ зарба/дақ билан ифодаланди. “Ўз вазни тоифасидаги рақибни кўтариб 10 м орқага югуриш” ва “Ўз вазни тоифасидаги рақибни ўнг томонга 5 марта кўтариб ташлаш” тезлиги мувофиқ равишда $4,2 \pm 0,2$ сек ва $14,9 \pm 1,2$ сек ни ташкил этган бўлса, ушбу тестлар юкламаларининг пульсометрик қиймати бир оз ортди, лекин юракнинг ритмик фаолияти янада сустралди ва мувофиқ тартибда $88,3 \pm 2,04$ ва $88,2 \pm 3,2$ зарба/дақ даражасида қайд этилди.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, кураш турларида, айниқса белбоғли кураш амалиётида эгилувчанлик сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир [В.Ф.Бойко, Г.В.Данько, 2004; Ш.А.Мирзақулов, 2015; N.A.Tastanov, 2014; А.Р.Таймуратов, 2017]. Афсуски, тадқиқотимизда иштирок этган юқори малакали белбоғли курашчиларда эгилувчанлик сифатининг етарли ривожланмаганлиги, шунингдек унинг анъанавий машғулотлар давомида ҳам сустралди.



1-расм. Юқори малакали белбоғли курашчиларда “кўприк” ҳолатида эгилувчанлик кўрсаткичи ва унинг 1 йил давомида ўсиш суръати

Чунончи, “Кўприк” ҳолатида кўл ва оёқлар жойлашган оралиғи кенглиги дастлаб (2015 йилда) $23,4 \pm 2,92$ см ни ташкил этган бўлса, орадан бир йил ўтгач (2016 йилда), ушбу кўрсаткич 1,2 см га ўсди холос. Ёки “Ўтирган ҳолатда гавда-бошни тизза томон букиш” да бош-тизза оралиғининг кенглиги дастлаб $4,7 \pm 0,5$ см, бир йилдан сўнг бу кўрсаткич $3,5 \pm 0,4$ см билан ифодаланди (1-2-расмлар).



2-расм. Юқори малакали белбоғли курашчиларда ўтириб гавда-бошни тизза томон эгиш ҳолатида эгилувчанлик кўрсаткичи ва унинг 1 йил давомида ўсиш суръати

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқотда иштирок этган юқори малакали белбоғли курашчиларда статик ва айланма-динамик кучланиш ҳаракатлари давомида мувозанат сақлаш функцияси ўта заиф шаклланганлиги маълум бўлди (2-жадвал). Чунончи, модификациялаштирилган ва белбоғли кураш хусусиятларига мувофиқ моделлаштирилган тестлар натижаларидан кузатилдики, белбоғни ушлаш тақлиди билан статик ҳолатда (оёқлар учида туриб) ва бир оёқда гавдани орқага эгиб мувозанат сақлаш муддати мувофиқ тартибда $3,8 \pm 0,2$ ва $3,5 \pm 0,3$ сек ни ташкил этди.

Статик ҳолатда (тик туриб) бошни чап ва ўнг томонларга айланма ҳаракатлантириш давомида мувозанат сақлаш имконияти ҳам кичик кўрсаткичлар билан қайд этилди ва мувофиқ равишда $7,4 \pm 0,9$ ҳамда $5,3 \pm 0,6$ сек билан ифодаланди.

Кўриниб турибдики, бошни ўнга яъни ноқулай томонга айлантириш вақтида мувозанат сақлаш нисбатан узоқ чўзилмади. Ушбу тестлар юкламалари умуман шиддатли бўлмаса-да, қайд этилган кўрсаткичлар пульсометрик қиймати юрак ритмикасининг анча тезлашганидан далолат берди. Унинг тикланиши жуда суст кечди.

Юқори малакали белбоғли курашчиларда статик кучланиш ва бошни айланма ҳаракатлантириш давомида мувозанат сақлаш кўрсаткичлари ва уларнинг пульсометрик қиймати

Тестлар	n	Натижа	ЮҚС (зарба/дақ)		
			тестдан олдин	тестдан кейин	3 мин дан сўнг
Жипслаштирилган оёқлар учида туриб, кўзлар юмилган ҳолатда белбоғни ушлаш тақлиди билан мувозанат сақлаш (сек)	67	3,8±0,2	70,5±2,7	87,7±3,2	79,1±2,9
Бир оёқда тик туриб, иккинчи оёқни кўтариб буккан ҳолатда гавдани орқага эгиб, белбоғни ушлаш тақлиди билан мувозанат сақлаш (сек)	67	3,5±0,3	71,2±2,3	89,6±3,1	80,2±2,5
Оёқларни жипслаштириб тик турган ҳолатда кўзни юмиб, бошни чап томонга айлантириш ва мувозанат сақлаш (сек)	67	7,4±0,9	69,4±2,3	97,7±3,4	75,3±2,0
Оёқларни жипслаштириб тик турган ҳолатда кўзни юмиб, бошни ўнг томонга айлантириш ва мувозанат сақлаш (сек)	67	5,3±0,6	69,9±2,3	99,6±3,9	78,0±2,7
Диаметри 60 см айлана чизик ичида туриб танани чап томонга айлантириш:	58	3,2±0,2	68,9±3,2	115,8±5,2	78,1±3,4
- сони (марта)					
- вақти (сек)	5,1±0,3				
Диаметри 60 см айланма чизик ичида курашчи ҳолатида туриб, танани ўнг томонга айлантириш:	58	2,9±0,4	70,3±3,3	117,6±4,8	76,6±3,5
- сони (марта)					
- вақти (сек)	3,9±0,2				

Танани ўз ўқи атрофида айлантириш давомида мувозанат сақлаш муддати янада кичик кўрсаткичлар билан намойиш этилган бўлсада, уларнинг пульсометрик қиймати юрак ритмининг кескин тезлашганини

кўрсатди. Жумладан, “Диаметри 60 см айлана чизик ичида туриб танани чапга (кулай томонга) айлантириш”да айланишлар сони $3,2 \pm 0,2$ мартани, мувозанат сақлаш вақти $5,1 \pm 0,3$ сек ни ташкил этди. Танани ўнга (нокулай томонга) айлантириш давомида эса айлантириш сони $2,9 \pm 0,4$ мартани, мувозанат сақлаш вақти $3,9 \pm 0,2$ сек ни ташкил этди. Демак, танани нокулай томонга айлантириш давомида айланиш сони ҳам, мувозанат сақлаш вақти ҳам ниҳоятда қисқариб кетган. Бундай ҳолат “курашчи рақибини кўтариб айланиш вақтида ўз мувозанатини сақлай олмайди” деган фикрга олиб келади. Мазкур тестлар юкламалари катта бўлмаса-да, аммо улар юрак уриш ритмининг кескин тезлашишига сабаб бўлди. Юрак реакциясининг тикланиши ҳам анча сустлашди.

Диссертациянинг **“Белбоғли курашга хос статик ва динамик кучланиш ҳаракатлари давомида мувозанат сақлаш функциясини самарадорлиги ва уларни қўллаш методикаси”** деб номланган тўртинчи бобида юқори малакали белбоғли курашчилардан иборат назорат (НГ) ва тажриба (ТГ) гуруҳлари жалб қилинган 10 ойлик педагогик тажриба натижалари таҳлил этилган. Тажриба давомида НГга жалб қилинган курашчилар анъанавий мазмундаги машғулотларда шуғулланишни давом эттиришди. ТГ курашчилари машғулотларида эса статик ва айланма динамик кучланиш ҳаракатлари давомида мувозанат сақлаш функциясини шакллантирувчи ихтисослаштирилган инновацион машқлар ҳамда ҳаракат фаоллигини тикловчи релаксацион-нафас машқлари мунтазам қўлланиб борилди.

Тажриба натижалари асосида анъанавий машғулотларда шуғулланиб борган НГда статик ва динамик мувозанат сақлаш функцияси деярли шаклланмаганлиги ёки ўта суст шаклланганлиги қайд этилди.

Ўн ой давомида биз томонимиздан ишлаб чиқилган экспериментал мазмунли машқларни мунтазам бажариб борган ТГда эса мувозанат сақлаш функцияси “юксиз” ва “юк билан” (манекен) бажарилган статокинетик ва вестибулосоматик тестлар натижалари бўйича ҳам жадал шаклланганлиги аниқланди (3-жадвал). Чунончи, “Жипслаштирилган оёқлар учидан туриб, кўзлар юмилган ҳолатда белбоғни ушлаш тақлиди билан мувозанат сақлаш” тест кўрсаткичи НГда тажрибадан олдин $4,7 \pm 0,6$ сек ни ташкил этган бўлса, тажрибадан кейин ушбу кўрсаткич $0,5$ сек га яхшиланди, холос.

Лекин, 10 ойлик тажриба давомида экспериментал мазмундаги машқларни бажариб борган ТГда эса мазкур кўрсаткичлар мувофиқ равишда $5,2 \pm 0,7$ сек ва $7,1 \pm 1,2$ сек билан ифодаланди. Мувозанат сақлаш вақти $1,9$ сек гача узайди. Бир оёқда гавдани орқага эгиб мувозанат сақлаш кўрсаткичлари ҳам аналогик динамика билан қайд этилди. Бошни ва танани чап ҳамда ўнг томонларга айлантириш тестлари бўйича ҳам мувозанат сақлаш вақти НГда деярли узаймади ёки мувофиқ равишда $0,5$; $0,6$; $0,5$; $0,4$ сек га яхшиланди, холос.

Назорат ва тажриба гуруҳлари курашчиларида статик ва динамик мувозанатни сақлаш функциясининг 10 ой давомида шаклланиш динамикаси (n=12)


Тестлар	гуруҳ	$\bar{x} \pm \sigma$		Кўрсаткичлар фарқи	t	p
		тажрибадан олдин	тажрибадан кейин			
Жипслаштирилган оёқлар учидан туриб, кўз юмилган ҳолатда белбоғни ушлаш тақлиди билан мувозанат сақлаш (сек)	НГ	4,7±0,6	5,2±0,8	+0,5	1,73	>0,05
	ТГ	5,2±0,7	7,1±1,2	+1,9	4,72	<0,001
Бир оёқда тик туриб, иккинчи оёқни кўтариб буккан ҳолатда гавдани орқага эгиб, белбоғни ушлаш тақлиди билан мувозанат сақлаш (сек)	НГ	3,9±0,4	4,3±0,6	+0,4	1,92	>0,05
	ТГ	4,3±0,6	7,3±1,4	+3,0	6,82	<0,001
Оёқларни жипслаштириб тик турган ҳолатда кўзни юмиб, бошни чап томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш (сек)	НГ	8,1±0,8	8,6±1,1	+0,5	1,27	>0,05
	ТГ	8,8±0,9	11,6±1,2	+2,8	5,28	<0,001
Оёқларни жипслаштириб тик турган ҳолатда кўзни юмиб, бошни ўнг томонга айлантириш давомида мувозанат сақлаш (сек)	НГ	5,9±0,7	6,5±0,8	+0,6	1,95	>0,05
	ТГ	6,5±0,8	8,6±1,1	+3,1	4,28	<0,001

3-жадвал давоми

Диаметри 60 см айлана чизик ичида туриб танани чап томонга айлантириш: - сони (марта)	НГ	4,6±0,6	5,1±0,8	+0,5	1,73	>0,05
	ТГ	4,9±0,6	7,4±1,3	+2,5	6,05	<0,001
- вақти (сек)	НГ	5,5±0,7	6,1±0,9	+0,6	1,82	>0,05
	ТГ	6,1±0,8	9,1±1,6	+3,0	5,81	<0,001
Диаметри 60 см айлана чизик ичида туриб танани ўнг томонга айлантириш: - сони (марта)	НГ	3,9±0,5	4,3±0,6	+0,4	1,77	>0,05
	ТГ	4,2±0,6	6,3±1,2	+2,1	5,42	<0,001
- вақти (сек)	НГ	5,3±0,7	5,9±0,8	+0,6	1,95	>0,05
	ТГ	5,7±0,9	8,3±1,4	+2,6	5,41	<0,001
Диаметри 1 м айлана чизик ичида “юк” билан гавдани олдинга эгиб танани чап томонга айлантириш: - сони (марта)	НГ	5,3±0,7	5,9±0,8	+0,6	1,82	>0,05
	ТГ	5,9±0,9	8,4±1,3	+2,5	5,67	<0,001
- вақти (сек)	НГ	7,5±0,8	8,2±0,8	+0,7	1,78	>0,05
	ТГ	8,1±1,1	11,4±1,4	+3,3	7,09	<0,001
Диаметри 1 м айлана чизик ичида “юк билан ” гавдани олдинга эгиб танани ўнг томонга айлантириш: - сони (марта)	НГ	4,8±0,6	5,2±0,8	+0,4	1,38	>0,05
	ТГ	5,3±0,6	8,1±1,2	+2,9	6,94	<0,001
- вақти (сек)	НГ	7,9±0,9	8,8±1,3	+0,6	1,97	>0,05
